

**ИСЛОМ КАРИМОВ** номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР  
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**СОБИРЖОНОВ РАХМАТЖОН РУСТАМБЕК ЎҒЛИ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ АСОСИДА РЕЗИНА УЧУН МОЙ-  
ПЛАСТИФИКАТОРЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Собиржонов Рахматжон Рустамбек ўғли**

Маҳаллий хомашё асосида резина учун мой-пластификаторларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

**Собиржонов Рахматжон Рустамбек угли**

Разработка технологии получения масел-пластификаторов для резины на основе местного сырья.....21

**Sobirjonov Rahmatjon Rustambek ugli**

Development of technology for obtaining plastic oils for rubber based on local raw materials.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works .....42**

**ИСЛОМ КАРИМОВ** номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР  
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**СОБИРЖОНОВ РАХМАТЖОН РУСТАМБЕК ЎҒЛИ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ АСОСИДА РЕЗИНА УЧУН МОЙ-  
ПЛАСТИФИКАТОРЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Т1777 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.gupft.uz](http://www.gupft.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ҳамидов Босит Набиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абед Нодира Сайибжановна**  
техника фанлари доктори, профессор  
**Тешабаева Элмира Убайдуллаевна**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг **2021 йил «9» июль соат 11<sup>00</sup>** даги мажлисида онлайн тарзида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73, e-mail: fan va taraqqiyot@mail.ru, «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси биноси, 2- қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73

Диссертация автореферати 2021 йил «28» июнь куни тарқатилди.  
(2021 йил «25» февраль №5 рақамли реестр баённомаси).

**С.С. Негматов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎЗР ФА академиги

**М.Э. Икратова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., к.и.х.

**А.М. Эминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/T1777 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.gupft.uz](http://www.gupft.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий рахбар:**

**Ҳамидов Босит Набиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абед Нодира Сайибжаповна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Тешабаева Элмира Убайдуллаевна**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация химояси Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси хузуридаги DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «9» июль соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида онлайн тарзида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73, e-mail: fan va taraqqiyot@mail.ru, «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси биноси, 2- қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а-уй. Тел.: (+99871) 246-39-28; факс: (+99871) 227-12-73

Диссертация автореферати 2021 йил «28» июнь куни тарқатилди.  
(2021 йил «25» февраль №5 рақамли реестр баённомаси).

  
**С.С. Негматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ЎЗР ФА академиги

**М.Э. Икратова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.н., к.н.х.

**А.М. Эминов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунёда эластомер композициялар асосидаги буюмлар кимё, озиқ-овқат, машинасозлик қурилиш саноати ва қишлоқхўжалигида кенг қўлланилмоқда. Шу билан бирга эластомер композициялар асосидаги буюмларни технологик, физик-механик, динамик ва эксплуатацион, махсус хоссаларини яхшилаш ва уларни тан нархини камайтириш учун ингредентлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда эластомер композицияларининг қайта ишлаш технологик жараёнини яхшилаш, эластомерларни қовушқоқлигини ва механик кучлар ёрдамида деструкцияга учрашини камайтириш, дисперс ингредентларни аралаштириш, буюмларни паст ҳароратга чидамлилигини ошириш учун пластификаторларнинг янги авлодини яратиш ва улар асосида эластомер композициялар таркибини тузиш ва буюмлар олиш технологияларини илмий асосини яратиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, мой-пластификаторлари экстракт аралашмаларнинг гуруҳли кимёвий таркибини аниқлаш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, нефть маҳсулотларида тўйинган, полициклик ароматик углеводородлар ва қутбли бирикмаларнинг миқдорини аниқлаш, даврий ишлайдиган қурилмаларда мой экстрактларини тозалаш, уларга ҳарорат ва босимнинг таъсири, суяқ пропан ёрдамида экстракт аралашмаларни тозалаш, мой-пластификаторларни ишлаб чиқариш технологик схемасини танлаш ва иккиламчи хомашёлар асосида резина учун мой-пластификаторини ишлаб чиқариш усулларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда маҳаллий хомашёлар асосида янги пластификаторлар ва улар асосида эластомер композициялар, ҳамда ҳар хил шароитда ишлатилувчи резина-техника буюмлари ва шина олиш технологияларини ишлаб чиқишда муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари «кимё саноати корхоналарини молиявий-иқтисодий соғломлаштириш ва уларнинг фаолиятини барқарорлаштириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, углеводород хомашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар амалга ошириш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хомашёлар асосида эластомер композицияларининг қайта ишлаш технологик жараёнини яхшилаш, эластомерларни қовушқоқлигини ва механик кучлар ёрдамида деструкцияга учрашини камайтириш, дисперс ингредентларни аралаштириш, буюмларни паст ҳароратга чидамлилигини ошириш учун пластификаторларнинг янги авлодини яратиш ва улар асосида эластомер композициялар таркибини тузиш ва буюмлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» тўғрисидаги қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сон «Ўзбекистон Республикасининг ёқилғи-энергетика саноати бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 февралдаги 67-сонли ««Фарғона НҚИЗ» МЧЖ қувватларидан самарали фойдаланиш ва заводни модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Эластомер композициялар ва улар учун ингредиентлар яратиш бўйича Е. Burak, James E. Mark, Roland C. Michael, Ю.Л. Морозова, С.В. Резниченко, Л.Г. Жердева, Ф.Г. Сидляронок, В.П. Артемьева, Т.И. Дремова, В.В. Коршак, С.Н. Журков, А.А. Берлин, С.С. Негматов, А.Т. Джалилов, А.Х. Юсупбеков, А.С. Ибодуллаев, Ф.А. Магрупов, С.С. Хамраев, Э.У.Тешабаева, Б.Н. Хамидов, У.К. Ахмедов, Г.Р. Нарметовалар ва бошқалар илмий изланишлар олиб боришган.

Улар томонидан эластомер композицияларининг технологик, физик-механик, динамик, махсус хоссаларини яхшилаш ва тан нархини орзонлаштириш учун вулканланиш жараёни тезлаштиргичлари фаолловчи моддалари, тўлдиргичлар, юмшатгичлар пластификаторлар, стабилизаторлар, красителлар ва модификаторлар яратилиб улар асосида композицион эластомер материаллар олиш таркиби ва технологиялари яратилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Шу билан бирга вулканланиш жараёни тезлаштиргичлари фаолловчи моддалари, тўлдиргичлар, юмшатгичлар пластификаторлар, стабилизаторлар, красителлар ва модификаторларнинг янги авлодини яратиб улар асосида эластомер композицияларининг технологик, физик-механик, динамик, махсус хоссаларини яхшилаш ва тан нархини орзонлаштириш борасида илмий тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ИПП-12 «Органик, ноорганик, полимер ва бошқа табиий материалларни ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маҳаллий хомашё асосида резина учун мой-пластификаторларини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мой ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган экстрактларнинг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

даврий ишлайдиган курилмада суюқ пропан ёрдамида мойли экстрактларни тозалаш жараёнларини тадқиқ қилиш;

деасфальтизациялаш курилмасида мойли экстрактларни тозалаш жараёнларини тадқиқ қилиш;

нефтни қайта ишлаш саноатининг иккиламчи хом ашёси асосида пластификаторни ишлаб чиқиш;

яратилган пластификаторни физик-кимёвий хоссаларини ва каучукларни молекуласини кристалланишига таъсирини аниқлаш;

яратилган пластификаторни эластомер композицияларини технологик, физик-механик, техник хоссаларига таъсирини аниқлаш;

маҳаллий хомашёлар асосида пластификатор олиш ва у асосида композицион эластомер материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи мойларни селектив тозалаш экстрактлари – III-мой фракцияси экстракти ва қолдиқ экстрактлари ҳамда ишлаб чиқилган пластификатор ва унинг композициялари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳаллий хомашё ресурслари асосида янги пластификатор ва унинг композицияларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни резина-техник маҳсулотларини олишда қўллаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида замонавий физик-кимёвий усуллардан (ИК, СХ, ЮҚХ ва бошқалар.), шунингдек, олинган тажриба маълумотларини статистик ишлов беришнинг математик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи мойларни селектив тозалаш экстрактлари (III-мой фракцияси экстракти ва қолдиқ экстрактлари) аралашмаларидан полициклик ароматик бирикмаларни олиб ташлаш учун эритувчи сифатида суюқ пропандан фойдаланиш усули ишлаб чиқилган;

нефть мойлари экстрактлари аралашмаларини суюқ пропан эритувчи ёрдамида тозалаш орқали эффектив пластификаторлар олиш асосланган;

экстракт аралашмаси массасининг 5% қайнаш ҳарорати 400 °С дан кам бўлмаган ва 100 °С да қовушқоқлиги 20 мм<sup>2</sup>/с кам бўлмаганда суюқ пропан ёрдамида тозалаш жараёнининг оптимал технологик параметрлари, яъни деасфальтизация колоннанинг юқори қисмидаги ҳарорат - 80°С, пропаннинг хомашёга нисбати – 8:1 (ҳажм бўйича), деасфальтизация колоннаси баландлиги бўйича ҳарорат градиенти - 20°С эканлиги аниқланган;



нефтни қайта ишлаш саноатининг иккиламчи хомашёси асосида эластомер композициялари учун мой-пластификаторлари олиш технологияси ишлаб чиқилган;

яратилган пластификатор асосида эластомер композициялари олиш таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи мойларни селектив тозалаш экстрактлари (III-мой фракцияси экстракти ва қолдиқ экстрактлари) аралашамларидан полициклик ароматик бирикмаларни олиб ташлаш учун эритувчи сифатида суюқ пропандан фойдаланиб эластомер композициялари учун пластификаторлар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

яратилган пластификатор асосида эластомер композициялари таркиби ва резина-техника буюмлари олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** хомашё ва резина-техник маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини физик-кимёвий таҳлил натижалари, замонавий усулда ишлатилиши исботланган ҳамда Республикамиздаги нефтни қайта ишлаш корхоналарда олиб борилган тадқиқот натижалари билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосида пластификатор олиш жараёнининг ўзгариш қонуниятлари ва уни қўллаш орқали резина-техника буюмларини ишлаб чиқишда ишлатиладиган эластомер композицияларининг таркиби, тузилиши, физик-кимёвий ва технологик хоссалари ҳамда олиш технологияларининг назарий асосини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нефтни қайта ишлаш саноатининг иккиламчи маҳсулотлари асосида мой-пластификатор яратиб, уни қўллаш орқали резина-техника буюмларини олишда ишлатиладиган эластомер композицияларининг таркиби ва олиш технологияларини яратилганлиги, нефтни қайта ишлаш заводи мойларни селектив тозалаш экстрактлари аралашамларидан полициклик ароматик бирикмаларни ажратиш учун эритувчи сифатида суюқ пропандан фойдаланиб мой-пластификатор ишлаб чиқиш технологиясининг яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий хомашё асосида резина учун мой-пластификаторларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

нефтни қайта ишлаш заводи мойларни селектив тозалаш экстрактлари (III-мой фракцияси экстракти ва қолдиқ экстрактлари) аралашамларидан полициклик ароматик бирикмаларни олиб ташлаш учун эритувчи сифатида суюқ пропандан фойдаланиб мой-пластификатор ишлаб чиқиш технологияси «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг «2021-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2020

йил 23 октябрдаги 03/17-5/109-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллий хомашёлар асосида мой-пластификатор олиш имконини берган;

нефтни қайта ишлаш заводида ишлатиладиган мойларни фенолли тозалаш қурилмаси чиқиндиларидан юқори сифатли мой пластификаторлари олиш технологияси «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг «2021-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2020 йил 23 октябрдаги 03/17-5/109-сон маълумотномаси). Натижада, четдан олиб келинадиган мой пластификаторлари ҳажмини камайтириш орқали иқтисодий самарадорликка эришиш ва атроф-муҳитга келтириладиган зарарни камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган. Олий Аттестация Комиссиясини диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда жами 4 та мақола, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 110 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги келтирилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Резина ишлаб чиқаришда мой-пластификаторларнинг замонавий ҳолати ва қўлланилиши»** деб номланган биринчи бобида, нефт пластификаторларининг таснифланиши, нефт пластификаторларини қўллашда экологик жиҳатлари, пластификаторларнинг физик-кимёвий тавсифлари ва гуруҳли кимёвий таркибининг резина хоссаларига таъсири, турли кимёвий таркибли нефт пластификаторларни олиш технологиялари, мой фракциялари компонентлари пропанда эрувчанлигининг назарий асослари ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот объектларини танлаш ва мой-пластификаторларини тадқиқ қилиш усуллари» деб номланган иккинчи бобида, дастлабки материалларнинг тавсифи, тадқиқот методлари тавсифи, даврий ишлайдиган қурилма, мой-пластификаторларнинг хоссаларини тадқиқ қилиш (ГОСТ ва ASTMлар), Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Умумий на ноорганик кимё институтида адсорбцион-криоскопия ва суюқлик хроматографияси усуллари ёрдамида экстракт аралашмаларнинг гуруҳли кимёвий таркибини аниқлаш, IP 469/01 усули бўйича гуруҳли кимёвий таркибини аниқлаш, IP 346/92 усули бўйича полициклик ароматик углеводородларнинг миқдорини аниқлаш ва таҳлилининг стандарт усуллари батафсил ёритилган.


Экстрактларнинг физик-кимёвий хоссалари ва гуруҳли тузилиш таркиби 1 ва 2- жадвалларда келтирилган. Бу маълумотлар хом ашё сифатида олинган экстракт намуналарининг кимёвий таркиби ва хоссаларнинг хилма-хиллигини кўрсатади. Суюқ пропан ёрдамида мой экстрактларни экстракцион тозалаш мумкинлигини ўрганиш мақсадида экстракция жараёнларини ўрганиш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Умумий ва ноорганик кимё институти «Нефт кимёси» лабораториясида ишлаб чиқилган даврий ишлайдиган қурилма ишлатилган.

### 1-жадвал

#### Экстрактларнинг асосий физик-кимёвий хоссалари

Кўрсаткич	Синов усули	Таҳлил натижалари				
		III мой фракцияси экстракти	Қолдик компонент экстракти	Намуна № 1 (50 % III – мой фракцияси экстракти)	Намуна № 2 (30 % III – мой фракцияси экстракти)	Намуна № 3 (15 % III – мой фракцияси экстракти)
Зичлик 20 °С, кг/м <sup>3</sup>	ГОСТ 3900-85/ ASTM D 4052	945,6	989,7	963,5	970,4	972,8
Кинематик қовушқоқлик 100 °С да, мм <sup>2</sup> /с	ГОСТ 33	14,71	25,39	20,05	22,19	23,78
Синиш кўрсаткичи 50°С да	ГОСТ 18995	1,5528	1,5126	1,5310	1,5295	1,5286
Очиқ тиғдаги чакнаш ҳарорати, °С	ГОСТ 4333	234	270	256	262	265
Анилин нуқтаси, °С	ГОСТ 12349	60,3	84,8	72,2	72,7	75,6
ПЩА углеводородлар, %	IP 346/92	23,4	7,4	13,4	11,3	8,2
Олтингугурт, %	ГОСТ 1437-75	3,123	2,411	2,77	2,62	2,51
С <sub>А</sub> , %	ASTM D 2140/ ГОСТ 11244- 2018	45,0	27,1	36,05	32,5	29,78
С <sub>Н</sub> , %		22,7	9,0	15,85	13,11	11,05
С <sub>Р</sub> , %		32,2	64,0	48,00	54,39	59,17

Қурилманинг принципиал схемаси 1-расмда келтирилган.



1–пропан сақлаган сиғим; 2–поршенли юқори босимли цилиндр; 3–юқори босимли сувли насос; 4–сув учун сиғим; 5–суяқ пропан билан хомашёни аралаштириш сиғими; 6–экстрактор; 7–қувурли арматура; 8–жўмрак; 9–босим ўлчагич; 10–харорат ўлчагичи; 11–иситгич; 12–автоматикнинг блоки.

### 1-расм. Даврий ишлайдиган экстракция курилмасининг принципиал схемаси

ЎЗР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтида Н.Д. Рябова бошчилигида ишлаб чиқилган нефт маҳсулотларнинг таҳлили адсорбцион-криоскопия методи бўйича нефт мойларини селектив тозалаш экстрактларини ва уларнинг турли нисбатдаги аралашмаларини гуруҳли таркиби аниқланди. Ион-плазмали детектордан фойдаланиб юққа қатламли хроматография IP 469/01 усули ёрдамида нефт маҳсулотларида тўйинган, ароматик ва кутбли бирикмаларнинг миқдори аниқланди. Бу усул орқали атмосфера босимида 5 % ҳайдаш ҳарорати камида 300 °С бўлган нефт маҳсулотларида тўйинган, ароматик ва кутбли бирикмаларнинг миқдорини аниқлаш имкониятини беради.

### 2-жадвал


#### Мой экстрактларнинг гуруҳли кимёвий таркиби

Компонентлар номланиши	III мой фракцияси экстракти	Қолдиқ компонент экстракти	Намуна № 1 (50 % III – мой фракцияси экстракти)	Намуна № 2 (30 % III – мой фракцияси экстракти)	Намуна № 3 (15 % III – мой фракцияси экстракти)
ИОНХ усули					
Парафин-нафтенлар	29,39	34,63	32,01	33,06	33,84
Ароматик:					
моноциклик	9,52	28,87	19,2	23,06	25,9
бициклик	11,24	7,79	9,52	8,85	8,32
полициклик	43,45	19,71	31,41	26,87	23,12
Смолалар	3,83	6,01	5,21	5,43	5,89
Асфальтенлар	2,57	2,99	2,65	2,73	2,93
IP 469 усули					
Парафин-нафтенлар	26,06	32,98	28,49	29,73	31,98
Ароматик углеводородлар	67,21	57,21	62,83	61,23	58,65
Смолалар	4,58	7,63	6,52	6,87	7,18
Асфальтенлар	2,15	2,18	2,16	2,17	2,19

IP 346/92 «Фойдаланилмаган сурков мойлари ва нефт фракцияларида полициклик ароматик углеводородлар (ПЦА)ни аниқлаш-диметилсульфоксид

билан экстракциялашдан кейин синдириш коэффициентини аниқлаш» усули бўйича аниқланади. Курилманинг принципиал схемаси 2-расмда келтирилган.

Диссертациянинг «Резиналар учун мой-пластификаторларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида, даврий ишлайдиган курилмада суяқ пропан билан мой экстрактларни тозалаш жараёнини тадқиқ қилиш, ҳароратнинг таъсири, хомашёга пропан нисбатининг таъсири, босимнинг таъсири, экстрактларнинг ИҚ-спектрлари таҳлили, суяқ пропан ёрдамида қолдиқ экстрактларни тозалаш таклиф этилаётган мой-пластификаторларни ишлаб чиқариш технологик схемасини танлаш, гудронни деасфальтизациялаш курилмасида мой-пластификаторини ишлаб чиқариш оқимли схемасининг тавсифи, мой-пластификаторнинг таннархи батафсил баён қилинган.



- 1-назорат блоки; 2-ротацион буғлаткич;  
3-электродвигатель; 4-иситувчи ҳаммом;  
5-вакуум ўлчаш жиҳози; 6-вакуум насоси;  
7-вакуум регулятори; 8-сув

**2-расм. IP346/92 усули бўйича ПЦА миқдорини аниқлаш учун курилма**

Олинган маҳсулотларнинг гуруҳли кимёвий таркиби юпқа қатламли хроматография IP 469 усули бўйича ва суяқлик хроматография ЎзР ФА УНКИ усули ёрдамида аниқланди. Аниқланган маҳсулотларнинг физик-кимёвий ва хоссалари 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Маҳсулотларнинг физик-кимёвий хоссалари

Кўрсаткичлар	Намуна № 1 (50 % III – мой фракцияси экс- тракти)	Намуна № 2 (30 % III – мой фракци- яси экс- тракти)	Намуна № 3 (15 % III – мой фракци- яси экс- тракти)
Кинематик қовушқоқлик 100°C, мм <sup>2</sup> /с	16,76	20,96	22,68
Синиш кўрсаткичи 50 °С	1,5273	1,5296	1,5260
Анилин нуктаси, °С	72,4	72,8	73,4
Очиқ тиғдаги чакнаш ҳарорати, °С	243	249	250
Зичлик, кг/м <sup>3</sup>	937,0	930,5	927,0
Углеводород таркиби, %			
Парафинлар	35	39	42
Нафтенлар	32	35	34
Ароматикалар	34	28	25
ПЦА миқдори, %	6,1	4,4	3,0

Жараённинг технологик параметрлар яхлит маҳсулот хоссаларига таъсирининг қонуниятлари: эритувчи нисбати ва колоннанинг ҳарорат режимлари ўрганилди. Хомашё сифатида № 3 қолдиқ экстракти ишлатилди. Колоннанинг юқори қисмидаги ҳароратнинг яхлит маҳсулот хоссаларига таъсири 8:1 доимий пропан нисбатида, 20 °С колонна баландлиги бўйлаб доимий ҳарорат градиентида ва 3,5 МПа доимий босимда ўрганилди. Колоннанинг ҳарорат режимига қараб яхлит маҳсулотнинг физик-кимёвий ва технологик хоссалари ва олиш бўйича маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

#### 4-жадвал

#### Яхлит маҳсулотнинг физик-кимёвий хоссалари

Кўрсаткичлар	Колоннанинг юқори/пастки температураси, °С				
	60/40	65/45	70/50	75/55	80/60
Маҳсулот чиқиши, %	47	42	34	32	35
Кинематик қовушқоқлик 100 °С, мм <sup>2</sup> /с	27,97	25,58	24,54	23,17	22,43
Синиш кўрсаткичи, 50 °Сда	1,5215	1,5255	1,5112	1,5115	1,5031
Анилин нуқтаси, °С	63	65	69	73	74
Очиқ тиғдаги чакнаш ҳарорати, °С	266	266	264	263	263
Зичлик, кг/м <sup>3</sup>	944,0	941,6	937,4	933,5	930,4
Углеводород таркиби, %					
Парафинлар	52	52	54	55	55
Нафтенлар	26	27	31	33	35
Ароматикалар	22	21	15	12	10
ПЦА миқдори, %	7,1	6,3	5,6	3,8	3,1


Колоннанинг юқори қисмидаги ҳароратга қараб яхлит маҳсулотнинг гуруҳли кимёвий таркиби боғлиқлиги 5-жадвалда ва 3-расмда келтирилган.

#### 5-жадвал

#### Экстракция колоннасининг юқори қисмидаги ҳароратни яхлит маҳсулотнинг кимёвий таркибига таъсири

Кўрсаткичлар	Колоннанинг юқори/пастки температураси, °С				
	60/40	65/45	70/50	75/55	80/60
УНКИ усули					
Парафин-нафтенлар	43,19	45,57	47,24	48,31	49,17
Ароматик углеводородлар:					
моноциклик	15,48	16,64	18,74	19,46	19,93
бицикличек	16,25	17,46	17,78	18,66	19,84
полициклик	18,94	15,16	12,33	10,98	9,43
Смолалар	4,49	3,75	2,87	1,73	1,24
Асфальтенлар	1,65	1,42	1,04	0,86	0,39
IP 469 усули					
Парафин-нафтенлар	43,3	45,22	48,48	49,15	50,44
Ароматик углеводородлар	48,65	48,97	47,54	47,61	47,99
Смолалар	5,99	4,32	2,93	2,47	1,12
Асфальтенлар	2,06	1,49	1,05	0,77	0,45

Пропан нисбатининг хомашёга таъсири колоннанинг юқори ва пастки қисмидаги доимий ҳароратларда 80 °С ва 60 °С да ва 3,5 МПа босимда ўрганилди. Яхлит маҳсулотнинг физик-кимёвий хоссалари ва чиқиш унуми бўйича маълумотлар б-жадвалда келтирилган.



3-расм. Экстракция колоннасининг юқори қисмидаги ҳароратига қараб яхлит маҳсулот кимёвий таркибининг ўзгариши

б-жадвал

Пропаннинг хомашё нисбатига қараб яхлит маҳсулотнинг физик-кимёвий хоссаларининг ўзгариши

Кўрсаткичлар	Пропаннинг хом ашёга нисбати			
	6:1	8:1	10:1	12:1
Маҳсулот чиқиши, %	28	33	36	39
Кинематик қовушқоқлик, 100 °С, мм <sup>2</sup> /с	28,79	22,43	24,19	26,84
Синиш кўрсаткичи, 50 °С	1,5215	1,5081	1,5113	1,5142
Анилин нуқтаси, °С	65	75	73	69
Очиқ тиғдаги чакнаш ҳарорати, °С	263	262	263	264
Зичлик, кг/м <sup>3</sup>	938,3	936,2	937,9	938,0
Углеводород таркиби, %				
Парафинлар	52	56	56	53
Нафтенлар	33	34	33	33
Ароматикалар	15	9	13	14
ПЦА миқдори, %	5,9	3,1	3,5	4,0

Яхлит маҳсулот кимёвий таркибининг пропан ва хом ашё нисбатига боғлиқлиги 7-жадвалда ва 4-расмда келтирилган.

«SHEMUDZE» инфра-қизил спектр блоки ёрдамида III-мой фракцияси экстракти ва қолдиқ экстракт намуналари таҳлил қилинди. А4 4000-900 см<sup>-1</sup> кювет интервалида асосий иккала ёруғ тарқатувчи ўчириб ёқувчи (икки нурли) орасида оптик экранлашган суюқлик ишлатилган.


ИҚ-спектрлари 4000 – 900 см<sup>-1</sup> спектрал диапазонида 4 см<sup>-1</sup> спектрал кенгайтмада ўтказилди. ИҚ спектрларини ёзиб олиш учун намунанинг оз миқдори оптик шаффоф ВаF2 дискка жойлаштирилди. Намуна суркалгандан сўнг устига иккинчи диск қўйилиб, улар орасида синов моддасининг юпқа

қатлами ҳосил бўлди. Ўрнатилган дисклар билан ушлагич спектрометрнинг кюветига жойланди, шундан сўнг ИҚ спектрини қайд этиш бошланди. Углеводородларнинг ИҚ спектрлари С-С ва С-Н боғларнинг тебраниши туфайли ютилиш чизиқларининг пайдо бўлиши билан тавсифланади. Қолдиқ экстракт ютилиши ИҚ-спектрлари 5-расмда келтирилган.


7-жадвал

**Яхлит маҳсулот кимёвий таркибининг пропан ва хомашё нисбатига боғлиқлиги**

Компонентлар	Пропаннинг хом ашёга нисбати			
	6:1	8:1	10:1	12:1
УНКИ усули				
Парафин-нафтенлар	43,92	51,52	47,65	46,66
Ароматик углеводородлар:				
моноциклик	12,45	18,33	17,54	16,06
бицикличек	13,85	18,96	18,25	16,44
полициклик	22,03	9,75	12,98	15,41
Смолалар	4,75	1,06	2,35	3,38
Асфальтенлар	3,0	0,38	1,23	2,05
IP 469 усули				
Парафин-нафтенлар	42,82	49,95	46,51	45,27
Ароматик углеводородлар	48,85	48,43	49,22	48,45
Смолалар	5,04	1,2	2,79	4,08
Асфальтенлар	3,29	0,42	1,48	2,2



4-расм. Пропанни яхлит маҳсулотнинг кимёвий таркибига таъсири




5-расм. Қолдиқ компонент экстракти ютилиши ИҚ-спектрлари



C-H тавсифий частоталари (метил, метилен ва метин гуруҳлари) билан боғлиқ углеводород чизиклари учта чегара: 3000-2800, 1400-1300 ва 700  $\text{см}^{-1}$  атрофида бўлади. 3000-2800  $\text{см}^{-1}$  чегарасида ютилиш C-H нинг валент тебранишларидан келиб чиқади. 2926 ва 2850  $\text{см}^{-1}$  да мураккаб ютилиш чизиғи кўринишидаги метилен гуруҳининг валент тебранишларига тегишлидир.

Чизикларнинг интенсивлиги углеводород молекуласидаги метилен гуруҳлари сонига боғлиқ. C-H метин гуруҳи  $=\text{CH}_2$  ва  $-\text{CH}_3$  гуруҳларининг интенсив ютилиш чизиклари билан устма-уст тушган 2890  $\text{см}^{-1}$  га яқин нисбатан кучсиз ютилиш чизиғига эга. Бу структуралар дастлабки углеводородларнинг энг муҳим бирикмалари бўлиб, уларни қайта ишланганларидан фарқ қилади. 1400-1600  $\text{см}^{-1}$  чегарада ютилиш C-H боғларнинг деформацион тебранишлари натижасида келиб чиқади. 1456  $\text{см}^{-1}$  ва 1600  $\text{см}^{-1}$  чегарасида ютилиши ароматик бирикмалар мавжудлигини кўрсатади.

Бензол бирикмаларининг ютилиш йўли билан ўрнини босувчи тури 1600  $\text{см}^{-1}$  чегарада деформацион тебранишлар C-H нинг обертоналири намоён бўлади. Бу чизик интенсивлиги кам ва спектрда намунани концентрациялаш одатдагидан ўн марта юқори бўлиши мумкин. Олинган ютилиш спектрлари намуналарда ён занжирларнинг C-H гуруҳлари (чизик 2923  $\text{см}^{-1}$ ),  $\text{CH}_3$ -гуруҳлари (чизиклари 2953, 2850  $\text{см}^{-1}$ ) бўлишини кўрсатади. 1031  $\text{см}^{-1}$  чегарасида OH гуруҳлари учун жуда кичик ютилиш чизиғи қайд қилинади. Бу фенолнинг жуда оз миқдорда, деярли изларнинг мавжудлигини кўрсатади. 748-867  $\text{см}^{-1}$  чегарасида бензол ҳалқасидаги турли миқдорда ўрин алмашмаган водород атомлари бўлган ароматик углеводородларга тўғри келадиган бир қатор ўрта интенсивликдаги пиклар рўйхатга олинган. III- мой фракцияси экстракти ютилиш ИҚ-спектри б-расмда келтирилган.



### б-расм. III-мой фракцияси экстракти ютилишининг ИҚ-спектри

2953  $\text{см}^{-1}$  да мураккаб чизик кўринишидаги ютилиш метил гуруҳи тебранишларига, 2920-2852  $\text{см}^{-1}$  даги пиклар эса метилен гуруҳининг валент тебранишларига тўғри келади.

Диссертациянинг «**Олинган мой-пластификаторни тажриба-саноат синовидан ўтказиш**» деб номланган тўртинчи бобида, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 36/1 пропан билан мойларни деасфальтизациялаш қурилмасида тажриба-саноат синовини ўтказиш, «Тошкент Резина» МЧЖ марказий лаборатория шароитида мой-пластификаторни саноат синовларини

Ўтказиш ва маҳсулотни ишлаб чиқаришдан кутилаётган йиллик иқтисодий самарадорлик берилган.



**7-расм. Таклиф этилаётган мой-пластификаторни ишлаб чиқариш схемаси**

Тажриба-саноат синовини ўтказиш мақсадида 36/1 пропан билан мойларни деасфальтизациялаш қурилмаси экстракт аралашмаларни суюқ пропан билан тозалаш йўли орқали TRAE типдаги мой-пластификаторни ишлаб чиқариш мумкинлиги баҳоланган. Хомашё сифатида қолдиқ экстракти ва III-мой фракцияси экстракти аралашмалари ишлатилиб (№1 – 10% III-мой фракцияси экстракти, №2 – 15% III-мой фракцияси экстракти ва №3 – 20% III-мой фракцияси экстракти), № 7/40 парк орқали киритилди. IP 346/92 бўйича мой-пластификаторда ПЦА экстракти 3,0 % массани ҳосил қилди. Маҳсулот чиқиши 35 % ни ташкил қилди. Таклиф этилаётган мой-пластификатор ва хом ашёнинг технологик ва гуруҳли кимёвий таркибининг хоссалари ҳамда таққослаш ишлари 8,9, 10, 11, 12-жадвалларда келтирилган.

**8-жадвал**

**Яратилган мой-пластификаторни ва хом ашёнинг физик-кимёвий хоссалари**

Кўрсаткич номланиши	Қолдиқ экстракти	III фракция экстракти	Таклиф этилаётган мой-пластификатор		
			№ 1	№2	№3
100°C да кинематик қовушқоқлик, мм <sup>2</sup> /с	25,39	14,71	19,53	18,25	15,27
50°C да синиш кўрсаткичи	1,5349	1,5405	1,5110	1,5030	1,5010
Анилин нуктаси, °C	74,2	77,8	71,8	69,5	67,4
Очиқ тиғдаги чакнаш ҳарорати, °C	270	234	245	235	224
Зичлик, кг/м <sup>3</sup>	945,6	956,9	934	927	923
Углеводород таркиби, %					
Парафин	64	33	42	43	39
Нафтен	9	23	34	32	35
Ароматик	27	45	24	25	26
IP 346/92 бўйича ПЦА экстракти миқдори, % масса	7,4	18,7	2,9	3,0	3,1

## 9-жадвал

**Импортдан олиб келинаётган ва таклиф этилаётган  
мой-пластификаторнинг физик-кимёвий хоссаларини таққослаш**

Ишлаб чиқарувчи	Ханьшэн	Россия	Таклиф этилаётган мой-пластификатор
Тип	TDAE	TDAE	TRAE
100 °С да кинематик ковушқоқлик, мм <sup>2</sup> /с	17,5-21,5	16,0-23,0	15,3-20,0
20 °С да зичлик, г/см <sup>3</sup>	0,930-0,965	0,927-0,967	0,923-0,934
50 °С да синиш кўрсаткичи	1,515-1,545	1,520-1,540	1,5010-1,5110
Анилин нуктаси, °С	73±5	68±5	67-72
ПЦА экстракти миқдори, кўп эмас	3,0	3,0	3,0
Олтингугурт миқдори, % масса	4,0	3,0	1,72-1,79

## 10-жадвал

**Импортдан олиб келинаётган ва таклиф этилаётган  
мой-пластификаторнинг резинанинг физик-механик хоссаларига  
таъсирини таққослаш**

Физик-механик кўрсаткичлар номланиши	199 резина аралашмаси маркаси			
	НД бўйича нормаси	Намуна №1	Намуна №2	Lubrico HL 32
Йиртилишдаги шартли мустаҳкамлик, кг/ см <sup>2</sup>	45 дан кам эмас	48	50	53
Йиртилишдаги нисбий чўзилувчанлик, %	200 дан кам эмас	224	243	261
Қаттиқлик, бирлик Шор А	60-80	67	70	72

## 11-жадвал

**Импортдан олиб келинаётган ва таклиф этилаётган  
мой-пластификаторнинг резинанинг физик-механик хоссаларига  
таъсирини таққослаш**

Физик-механик кўрсаткичлар номланиши		2566 резина аралашмаси маркаси			
		НД бўйича нормаси	Намуна №1	Намуна №2	Lubrico HL 32
Йиртилишдаги мустаҳкамлик, кг/ см <sup>2</sup>	шартли	35 дан кам эмас	49	50	57
Йиртилишдаги чўзилувчанлик, %	нисбий	300 дан кам эмас	396	420	452
Қаттиқлик, бирлик Шор А		40-60	51	53	56

Ишлаб чиқилган мой-пластификатор СКС-30 АРКМ-15 ва СКИ-3 каучуклари асосидаги резина аралашмаларида қўлланилди. Натижада СКС-30 АРКМ-15 ва СКИ-3 каучуклари асосида резина аралашмаларини тайёрлашда импортдан олиб келинадиган Lubrico HL-32 пластификаторига нисбатан солиштирилганда 1 тонна СКС-30 АРКМ-15 асосида тайёрланган резина-техника маҳсулоти ишлаб чиқаришда таклиф этилаётган мой-пластификаторнинг нархидан 602880 сўм ва СКИ-3 каучуклари асосида тайёрланган резина-техника маҳсулотидан 331200 сўм тежаш мумкинлиги аниқланди.

Импортдан олиб келинаётган пластификаторни ўртача нархини 7000000 сўм ва таклиф этилаётган мой-пластификаторимизни ўртача нархини 3000000 сўмлигини этиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси миқёсидаги резина-техника буюмларини ишлаб чиқариш корхоналарнинг қувватларини йилига 1000 тоннага яқин пластификатор ишлатилишини ҳисобга олиб, ҳар бир тонна мой-пластификатордан  $7000000 - 3000000 = 4000000$  сўмгача маблағни тежаш мумкин бўлади. 1000 тонна мой-пластификаторни амалиётда қўллашдан кутиладиган иқтисодий самарадорлик:

$$\text{Э} = (7000000 - 3000000) \times 1000 = 4\,000\,000\,000 \text{ сўм}$$

Импорт ўрнини босувчи мой-пластификаторни йилига 1000 тонна миқдорини ишлаб чиқаришда қўллашдан ҳосил бўладиган кутилаётган иқтисодий самарадорлик 4 млрд. сўмни ташкил этиб, шу қийматдаги валюта тежалишига эришилади.

## ХУЛОСА

1. Прогрессив технологиялардан фойдаланган ҳолда нефть мойлари экстрактлари аралашмаларини суюқ пропан эритувчи ёрдамида тозалаш орқали эффектив мой-пластификаторларни олиш имконияти келтирилди.

2. Пропан эритувчи ёрдамида деасфальтизациялаш технологик курилмасидан фойдаланиб ТРАЕ типидagi мой-пластификаторларини ишлаб чиқариш схемаси таклиф этилди.

3. Экстракт аралашмаларини суюқ пропан билан тозалашда технологик параметрларнинг (компонентларнинг нисбати, колоннанинг температураси, босим) маҳсулот таркиби ва чиқиш унумига таъсир этиши аниқланди.

4. Парафин-нафтен ва ароматик углеводородларнинг экстракт аралашмасини тозалаш шартларига кўра ўзаро боғлиқлиги аниқланди ва ПЦАнинг 3% гача бўлиши тавсия этилди.

5. ТРАЕ типидagi ишлаб чиқарилган мой-пластификаторларнинг технологик хусусиятлари ўрганилиб, турли вариантларда уларнинг қовушқоқлик хусусиятларини, анилин нуктасининг ҳарорати ва бошқа параметрларини ўзгартириши орқали кристалланмайдиган СКС-30 АРКМ-15 ва кристалланадиган СКИ-3 каучуклари асосида резина аралашмаларини олиш учун тавсия этилди.

6. «Фарғона НКИЗ» МЧЖ 36/1 мойларни деасфальтизация қурилмасида тажриба-саноат синови олиб борилди ва оптимал технологик параметрлари тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИТАРНОГО  
ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ» ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

---

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**СОБИРЖОНОВ РАХМАТЖОН РУСТАМБЕК УГЛИ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ МАСЕЛ-  
ПЛАСТИФИКАТОРОВ ДЛЯ РЕЗИНЫ  
НА ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

**02.00.07–Химия и технология композиционных, лакокрасочных и резиновых  
материалов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2020.3.PhD/Т1777 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.gupft.uz](http://www.gupft.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

**Научный руководитель:**

**Хамидов Босит Набиевич**

доктор технический наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Абед Нодира Сайибжановна**

доктор технических наук, профессор

**Тешабаева Элмира Убайдуллаевна**

доктор технических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «**9**» июля **2021** года в **11<sup>00</sup>** часов (онлайн) на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 при ГУП «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: [fan\\_va\\_taraqqiyyot@mail.ru](mailto:fan_va_taraqqiyyot@mail.ru) на здание «Фан ватараккиёт» ГУП, 2 этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараккиёт» (Зарегистрированный номерам №5). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73.

Автореферат диссертации разослан «28» июня 2021 года (протокол реестра №5 от 25 февраля 2021 г.)

**С.С. Негматов**

Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.х.н., проф., академик АНРУз

**М.Э. Икрамова**

Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученой степени, к.х.н., с.н.с.

**А.М. Эминов**

Председатель Научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученой степени, д.т.н., профессор.

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2020.3.PhD/Т1777 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.gurfi.uz](http://www.gurfi.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyounet» по адресу ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz))



<b>Научный руководитель:</b>	<b>Хамидов Босит Набиевич</b> доктор технических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Абед Нодира Сайибжановна</b> доктор технических наук, профессор <b>Тешабаева Элмира Убайдуллаевна</b> доктор технических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ферганский политехнический институт</b>


Защита диссертации состоится « 9 » июля 2021 года в 11<sup>00</sup> часов (онлайн) на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 при ГУП «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба 7а. тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan va taraqqiyot@mail.ru на здание «Фан ватараккиёт» ГУП, 2 этаж, зал конференций).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ва тараккиёт» Зарегистрированный номерам №5). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Мирзо Голиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73.

Автореферат диссертации разослан « 28 » июня 2021 года  
(протокол реестра №5 от 25 февраля 2021 г.)

  
**С.С. Негматов**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.х.н., проф., академик АНРУз

  
  
**М.Э. Икрамова**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученой степени, к.х.н., с.н.с.

  
**А.М. Эминов**  
Председатель Научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученой степени, д.т.н., профессор.



**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время во всем мире изделия на основе эластомерных композиций широко используются в химической, пищевой, машиностроительной и сельскохозяйственной отраслях. В то же время необходимо создавать ингредиенты, улучшающие технологические, физико-механические, динамические, эксплуатационные специфические свойства изделий, а также снижение их стоимость на основе композиционных эластомерных материалов.

В мире ведутся исследования по совершенствованию технологического процесса переработки эластомерных композиций, созданию пластификаторов нового поколения с целью уменьшения вязкости эластомеров и механических нагрузок, диспергирование дисперсных ингредиентов, их устойчивости к низким температурам и созданию научной основы для формирования эластомерных композиций на их основе и технологии производства. В связи с этим, особое внимание уделяется определению группового химического состава смесей экстрактов и выявление их физико-химических свойств, определения содержания насыщенных, полициклических ароматических углеводов и полярных соединений в нефтепродуктах, очистки масляных экстрактов в устройствах периодического действия, влияния температуры и давления, очистки экстракционных смесей с помощью жидкого пропана, выбору технологической схемы производства масел-пластификаторов и способам производства масел-пластификаторов для резины на основе вторичного сырья.

